

солиш тўғрисида”ги 2019 йил 27 сентябрь кунидаги 818-сонли қарорининг 1-иловасини 60-тартиб рақамида кўрсатиб ўтилган, кучли таъсир қилувчи моддаларга қирувчи Ўзбекистон Республикаси ССВ “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасининг 2024 йил 2 февраль кунидаги 41/18-1575-сонли, 41/18-1564-сонли хулосасига кўра, “кўп микдор”ни ташкил қилувчи умумий оғирлиги 3.949 грамм, ИИБ ЭКБМнинг 2024 йил 6 январь кунидаги 9 ва 10-сонли хулосаларига кўра, таркибида сибутрамин кучли таъсир қилувчи моддалари бўлган 1.“B-FIT 6 Capsules MAN 2022 EXP:2025” ёзувли завод қадоғида 6 дона бутун конвалюталардаги жами 36 дона қизил рангли капсулаларни, 2.“BLACK PANTHER MAN 2021 EXP:2024” ёзувли завод қадоғида 6 дона бутун конвалюталардаги 36 дона оқ-тўқ жигар рангли капсулаларни, 3.“BLACK PANTHER 0000991720 EXP.10/2024 30 CAPSULES” ёзувли завод қадоғида 3 дона бутун конвалюталардаги жами 30 дона оқ-тўқ жигар рангли капсулаларни, 4.“РЕДУКСИН лайт Усиленная формула MAN:2023 EXP:2026” ёзувли завод қадоғида бўлган 1 дона бутун конвалюталардаги 6 дона оқ-кўк рангли капсулаларни, 5.“BFIT Natural Slimming Capsules suppresses your appetite Burns stored fat Blocks fat production increases energy levels Made In Germany 6 Slimming Capsules MNF:2022 EXP:2025” ёзувли завод қадоғида 6 дона бутун конвалюталардаги жами 36 дона оқ-кўк рангли капсулаларни, 6.“B-FIT 6 Capsules MAN 2021 EXP:2024” ёзувли завод қадоғида 1 дона бутун конвалютадаги жами 6 дона қизил рангли капсулаларни, 7.“FIT 90TM 6 Capsules MAN 2023 EXP:2026” ёзувли завод қадоғида 8 дона бутун конвалютадаги жами 48 дона оқ-яшил рангли капсулаларни, 8.“Спирулина усиленная формула 9 капсул MAN 2022 EXP:2025” ёзувли завод қадоғида 16 дона бутун конвалютадаги жами 108 дона оқ-яшил рангли 36 дона очкизғиш-кулранг рангли жами 144 дона капсулаларни, 9.“Сексуальная фигура Выделение токсина с помощью кокоса 10 капсул Здоровое похудение MAN:2022 EXP:2025” ёзувли 16 дона бутун конвалютадаги жами 160 дона очкизғиш-кул рангли капсулаларни, 80.000 сўмдан 120.000 сўмгача сотиб олиб келиб, онаси С.Фармонова билан бир гуруҳ шахслар бўлиб, олдиндан тил бириктириб, келгусида ўтказиш мақсадини кўзлаб, 2024 йил 3 январь кунига қадар савдо дўконига сақлаб келишганлиги, шу куни Навоий вилояти ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида аниқланиб ашёвий далиллар билан ушланган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан такроран давом эттириб келиб, С.Фармонова раҳбарлиги остидаги, яқка тартибдаги тадбиркор “Фармонова Саодат Муминовна”га қарашли Навоий шаҳри, Буюм бозори савдо комплекси худудидаги 38-сонли савдо дўконига, ЯТТ раҳбари билан ўзаро оғзаки келишувга кўра ишлаб келувчи, синглиси Аллаева Ирода Абдумалик кизи билан бир гуруҳ шахслар бўлиб, олдиндан тил бириктириб, 2024 йил 3 январь куни савдо дўконига мижоз сифатида келган Г.Хотамовага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида”ги 2019 йил 27 сентябрь кунидаги 818-сонли қарорининг 1-иловасини 60-тартиб рақамида кўрсатиб ўтилган, кучли таъсир қилувчи моддаларга қирувчи Ўзбекистон Республикаси ССВ “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасининг 2024 йил 5 февраль кунидаги 41/18-1575-сонли, хулосасига кўра “кўп микдор”ни ташкил қилувчи умумий оғирлиги 1.0152 грамм, ИИБ ЭКБМнинг 2024 йил 10 январь кунидаги 10-сонли хулосасига кўра таркибида сибутрамин кучли



таъсир қилувчи моддалари бўлган 1.“B-FIT 6 Capsules MAN 2022 EXP:2025” ёзувли завод қадоғида 6 дона бутун конвалюталардаги жами 36 дона қизил рангли капсулаларни, 2.“BLACK PANTHER MAN 2021 EXP:2024” ёзувли завод қадоғида 6 дона бутун конвалюталардаги 36 дона оқ-тўқ жигар рангли капсулаларни, 3.“BLACK PANTHER 0000991720 EXP.10/2024 30 CAPSULES” ёзувли завод қадоғида 3 дона бутун конвалюталардаги жами 30 дона оқ-тўқ жигар рангли капсулаларни 510.000 сўм эвазига сотиб ўтказишган вақтида, Навоий вилояти ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида аниқланиб ашёвий далиллар билан ушланган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан такроран давом эттириб келиб, 2023 йилнинг ёз ойларида Тошкент шаҳридаги “Ўрикзор” савдо мажмуаси ҳудудидаги савдо дўконларидан, дастлабки терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахсдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида”ги 2019 йил 27 сентябрь кунидаги 818-сонли қарорининг 1-иловасини 60-тартиб рақамида кўрсатиб ўтилган, кучли таъсир қилувчи моддаларга кирувчи Ўзбекистон Республикаси ССВ “Фарматсевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасининг 2024 йил 3 июнь кунидаги 41/18-7568-сонли, 2024 йил 15 май кунидаги 41/18-6770-сонли, 2024 йил 22 май кунидаги 41/18-7122-сонли хулосасига “кўп миқдор”ни ташкил қилувчи умумий оғирлиги 1.09746 грамм қилувчи, ИИБ ЭКБМнинг 2024 йил 2 март кунидаги 250,252 ва 254-сонли хулосаларига кўра таркибида сибутрамин кучли таъсир қилувчи моддалари бўлган 1.“ARABIC 36 natural slimming capsules-15 kg UAE DUBAI EXP:sep 2028” ёзувли 12 дона бутун конвалюталардаги жами 72 дона тўқ жигаррангли капсулаларни, 2.“MOLECULE PLUS” ёзувли 20 дона оқ рангли капсулаларни, 3.“6 CAPSULES BI TECH B-FIT MAN 2021 EXP2024” ёзувли завод қадоғида 3 дона бутун конвалюталардаги жами 18 дона пушти рангли капсулаларни, 4.“BLACK PANTHER Slimming Capsule MAN 2021 EXP:2024” ёзувли завод қадоғида бўлган 1 дона бутун конвалюталардаги 10 дона оқ-тўқ жигар рангли капсулаларни 80.000 сўмдан 120.000 сўмгача сотиб олиб келиб, онаси С.Фармонова билан бир гуруҳ шахслар бўлиб, олдиндан тил бириктириб, келгусида ўтказиш мақсадини кўзлаб, 2024 йил 29 февраль кунига қадар савдо дўконига сақлаб келишганлиги, шу куни Навоий вилояти ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида аниқланиб ашёвий далиллар билан ушланган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан такроран давом эттириб келиб, 2024 йил 29 февраль куни савдо дўконига мижоз сифатида келган А.Файзиевага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида”ги 2019 йил 27 сентябрь кунидаги 818-сонли қарорининг 1-иловасини 60-тартиб рақамида кўрсатиб ўтилган, кучли таъсир қилувчи моддаларга кирувчи Ўзбекистон Республикаси ССВ “Фарматсевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасининг 2024 йил 5 февраль кунидаги 41/18-1575-сонли хулосасига кўра “кўп миқдор”ни ташкил қилувчи умумий оғирлиги 0.65232 грамм, ИИБ ЭКБМнинг 2024 йил 1 апрель кунидаги 252-сонли хулосасига кўра таркибида сибутрамин кучли таъсир қилувчи моддалари бўлган “ARABIC 36 natural slimming capsules-15 kg UAE DUBAI EXP:sep 2028” ёзувли 12 дона бутун конвалюталардаги жами 72 дона тўқ жигар



рангли капсулаларни 440.000 сўм эвазига сотиб ўтказган вақтида, Навоий вилояти ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида аниқланиб ашёвий далиллар билан ушланган.

Судланувчи _____ га шикоятда, айблилиги хусусида баҳс юритилмаган ҳолда, унга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини бошқа турдаги енгилроқ жазога алмаштиришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья _____ нинг маърузасини, прокурор _____ нинг келтирилган шикоятни қаноатлантirmасдан қолдириш, судланувчи М.Рахмонов ва унинг адвокати О.Рахматовнинг келтирилган шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятидаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, апелляция шикоятини қаноатлантirmасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Судланувчи _____ гарчанд, ўз айбига қисман иқrorлик билдирган бўлса-да, унинг суд ҳукмида қайд этилган жиноятни содир этганликдаги айби, гувоҳ А.Файзиёва, Г.Хотамоваларнинг кўрсатувлари, “Назорат остида олиш” тезкор-қидирув тадбирида фойдаланилиш учун пул бирликларни ва овоз ёзиш мосламасини тақдим этиш тўғрисидаги, ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳақидаги, нарсани олиб қўйиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённомалари, судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасининг судга оид кимёвий экспертиза хулосаси ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган бўлиб, қайд этилган далилларга суд ҳукмида атрофлича баҳо берилган.

Суд, содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланувчи М.Рахмоновнинг эълон қилинган айбловга муносабатини ёритиб, ўзини химоя қилиш учун келтирган важларига баҳо бериб, судда текширилган далилларни судланувчини ҳам фoш қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисоблаб, унинг айби тасдиқлангани тўғрисида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга

вофиқ бўлиши кераклиги тўғрисида тушунча берилган.



Суд, жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида берилган тушунтиришларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг талабларига риоя қилиб, судланувчи М.Рахмоновнинг айбига қисман иқрорлиги, пушаймонлигини, судланмаганлиги, ёшени ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, жазо тайинлаб, асосли ва адолатли хулосага келган.

ЖПКнинг 497²⁶-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси, агар чиқарилган суд қарорлари моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга ҳақлидир.

Шу сабабли, судлов ҳайъати, биринчи босқич суди ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди ва суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³-497¹⁸ 497²⁶, 497³⁰-497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2024 йил 26 сентябрдаги

га оид ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томон, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 510-моддасига кўра, Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят беришга ёки протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: /имзо/

ҳайъат аъзолари: /имзо/

/имзо/

Нусхаси аслига тўғри,
маърузачи судья :

